

Куръони Каримдаги биринчи сура «Фотиха» сураси былиб, у ўз номидан маълум бўлиб турганидек, Куръонни очувчи сурадир. Бу сура Куръоннинг аввалида келгани ва ўзи кискагина – етти оятдан иборат бўлса-да, бутун Куръони Карим мазмун-мохиятини ўз ичида мужассам килгани учун ҳам Куръоннинг мазмунини «очувчи» деган номга эга бўлган.

Етти оятдан иборат бу сура Маккада нозил бўлган. У «Фотиха», яъни «Очувчи сура» деб аталади. Куръондаги сураларнинг жойлашиш тартибида аввалги ўринда тургани ва киска бўлишига карамасдан Куръоннинг асосий маъно-мохиятини ўзида мужассам этгани учун ҳам у Куръон мазмунини «Очувчи» деб номланган.

Бу сурада ягона Аллохга бўлган эътикод, Унинг ўзигагина ибодат қилиш, охират куни борлигига ишониш, ёлғиз Аллохнинг ўзидан мадад-ёрдам сўраш, ҳақ дин ва тўғри йўлни Унинг ўзигагина кўрсата олишига иймон келтириш каби Ислоҳ динининг асосий талаблари ўз аксини топган. Шунинг учун бу сурани «Уммул-Куръон» – «Куръоннинг онаси – асли» деб ҳам атайдилар.

1. Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан (бошлайман).

2-3-4. Ҳамду сано бутун оламлар хоҳаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (киёмат) кунининг эгаси – подшоҳи бўлмиш Аллох учундир.

И з о х. Мактов-олқишга ҳақдор бўлиш учун башар оламига подшоҳ бўлишнинг ўзигагина кифоя қилмайди. Балки қоинотдаги барча сайёралар ва улардаги бор жонли-жонсиз мавжудотнинг ҳаммаси устидан илму ҳикмат ва раҳм-шафқат билан эгаллик қиладиган, бундан ташқари, охиратдаги ҳисоб-китоб кунда ҳам ягона подшоҳ бўлган Аллох таолонинг ўзигагина ҳамду санога лойиқ Зотдир.

5. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.

Яъни Сендан ўзганинг олдида бошимизни эғмаймиз ва Сендан ўзгага ёрдам сўраб илтижо ҳам қилмаймиз.

6-7. Бизларни, газабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш Тўғри йўлга йўллагайсан.

И з о х. Мазкур зотлар – барча пайгамбарлар, ҳақиқий иймон-эътикод эгалари ва ўз ақийдалари йўлида жонларини фидо қилган кишилардир.